Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
28 май
ШАНБА

№ 42
(12.366)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Вилоят ҳаёти

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

"Микрокредитбанк"нинг вилоят бўлими қошидаги "Янгибозор" минибанкида тадбиркорларга янги имтиёзли кредитлар ажратиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда банк мутахассислари, тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борлар ва бошқа тегишли ташкилот вакиллари иштирок этишди.

Минибанк аъзолари имтиёзли кредитларни бериш тартиби тўғрисида батафсил маълумот олишди. Шунингдек, минибанк тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг юз баробаридан 200 баробари миқдорида кредитлар ажратаётгани ва бу имкониятдан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мукаммал жавоб олдилар.

Гулруҳ ЗОКИРОВА.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҲАФТАЛИГИ

Республикада ҳар ойнинг иккинчи ҳафтасида ўтказилаётган "Саломатлик ҳафталиги" доирасида пойтахтдан 4 та махсус ишчи гуруҳ туманга ташриф буюрди.

Марказий поликлиника, Кўчбулоқ, Шодмалик, Қорахитой, Дўстлик, Эртош, Озодлик қишлоқларидаги врачлик пунктларида мониторинг ўтказилди. Шу билан бирга, ҳафта давомида ўқув муассасалари, қишлоқ маҳаллаларда тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзи тарғиботига қаратилган давра суҳбатлари ташкил этилди.

Республика скрининг маркази мутахассислари туғиш ёшидаги ҳомиладор аёлларни замонавий тиббий асбоблар ёрдамида кўрикдан ўтказишди.

Райҳон САЛАЕВА.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

МУСТАҚИЛ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

2010-2011 йил мавсумида ўқувчиларни илк бор ўз кучоғига олган тумандаги янги 47-мактабда биринчи сўнгги қўнғироқ тантанали маросими кутилганидан ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

– Мен бир неча йиллик ўқитувчилик фаолиятимда бугун илк бор ўта ҳаяжондаман. Чунки, фарзандларим қатори бўлиб қолган битирувчи синфим ўқувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйишяпти, – деди синф раҳбари Гулчеҳра Аҳмедова.

– Бугунги шодиёнамизнинг "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан" шиори остида ўтказилиши озод ва обод юрт ворислари, келажак эгалари бўлмиш ёшларга кўрсатилаётган чексиз эътибор намунасидир, – деди мактаб раҳбари Вазира Сулаймонова. – Бунинг исботи ўлароқ, битирувчиларнинг бир нечасига фуқаролик паспортлари топширилди. Туман фан олимпиадалари ва танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган ёшларимиз эндиликда ўзлари хоҳлаган соҳада билим ва малакага эга бўлиш учун академик лицей ва коллежларда ўқишни давом эттирадилар.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

Зафар – вилоятимиз жанубидаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиб бораётган шаҳарчалардан бири. Бугун унинг қайси кўчасига кирманг, обод гузарларни, катта-кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини кўрасиз, янги қурилиш майдончаларидаги қизғин меҳнатга гувоҳ бўласиз.

20 йил

БЕКОБОДДА ЯНГИ БИЛИМГОҲ

– Биз шу кунларда мусиқа ва санъат мактаби учун янги бино қураяпмиз, – дейди "Бегижон Мирзаота" хусусий корхонаси иш бошқарувчиси Абдуллажон Эргашев. – Июль ойида барча қурилиш-пардозлаш ишларини тугатиб, бинони 1 августда фойдаланиш учун топширишимиз керак. Шаҳарчамиз ҳуснига кўрк бўлиб қолувчи бу бино мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совға бўлади.

Ҳаётимиздаги энг улуғ, энг азиз бу байрам кунларида янги билим масканида 150 ўғил-қиз мусиқа ва санъат сирларини ўрганишга киришади. Бунинг учун 40 та машғулот хонаси, икки зал энг замонавий таълим-тарбия ускуналари билан жиҳозланади. Янги билим масканини бунёд этиш учун давлат бюджетидан 1 миллиард 965 миллион сўм маблағ сарфланади.

Шу кунларда қурилишнинг турли участкаларида 130 бинокор меҳнат қилаяпти. Янги авлод билим олиб, камол топадиган янги бинони белгиланган муддатда битказишга интилиб, ҳар бир ишни вақтида, сифатли бажаришмоқда.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: қурилиш раҳбари Улуғбек Ибобеков қурувчи Абдусамад Қамбаров билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

БОЛАЛАР ЁЗИ – 2011

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг вилоят маслаҳат-кенгаши бўлиб ўтди.

Оромгоҳлари бўлган корхоналарнинг раҳбарлари, тармоқ ва бошланғич касаба ташкилотлари етакчилари, оромгоҳлар бошлиқлари иштирок этишди.

Болаларни соғломлаштиришнинг ўтган йилги якунлари ва бу мавсумдаги вазифалар, оромгоҳларни малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш, тарбиявий, тиббий хизмат, санитария-гигиена ишларини ташкил этиш, дори-дармонлар билан таъминлаш, маънавий-маърифий, тарғибот ишларини йўлга қўйиш ва бошқа масалаларга доир маърузалар тингланди.

Иштирокчилар болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштиришни уюшқоқлик билан ўтказишни таъминлашга қаратилган таклифлар киритишди.

Кенгашда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш доимий комиссияси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев қатнашди.

ТАҚДИМОТ

ОММАБОП КИТОБ

Юртимизда ўз билим ва салоҳиятлари билан бутун дунёни ҳайратга солган, жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган улуғ зотлар кўплаб етишиб чиққан. Буюк аждодларимизнинг номлари доим қалбимизда, уларнинг ўчмас мероси кенг ўрганилмоқда.

Имом Бухорий халқаро маркази инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб, қомусий китоб тайёрлаб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. "Ўзбекистон – буюк алломалар юрти" деб номланган ушбу қўлланмада кўплаб тарихий намоёндаларнинг ҳаёти, бой илмий мероси ҳақидаги библиографик маълумотлар ўз аксини топган. Янги нашр тарих ва маданият соҳаси мутахассислари, олим ва тадқиқотчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда китобни тайёрлашда иштирок этган ижодий гуруҳ қатнашчилар билан суҳбатлашиб, керакли маълумотлар беришди.

Саид АСҚАРОВ.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР САҲНАДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Бекобод шаҳридаги санъат коллежида "Рақслар гулдастаси" номли бадиий кеча уюштирилди.

Хореография бўлими талабалари жаҳон ҳамда ўзбек рақсларидан ижро этишди. Фарғона, Хоразм, Бухоро ва Сурхондарёча услубларда рақсга тушиб, ўзбек рақсининг гўзаллигию жозибасини нафис ҳаракатлари орқали намойиш қилишди. Айниқса, 3-босқич талабаларининг "Шўх қизлар", 1-босқич ўқувчиси Шоҳсанам Йўлдошеванинг "Зебо", Феруза Алиеванинг "Ёмон қўрқдим" рақслари барчага манзур бўлди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

Паркент тумани ҳокимлигида аҳоли шахсий ёрдамчи хўжалигини ташкил этиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун замонавий минитехнология билан таъминлаш масалаларига бағишлаб вилоят семинари уюштирилди.

ТОМОРҚАНГИЗ БЎШ ҚОЛМАСИН

Тадбирда шаҳар, туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш бўйича ўринбосарлари, иқтисодиёт, статистика, молия, ғазначилик, бандликка кўмаклашиш, ахборот-маслаҳат маркази, тижорат банклари раҳбарлари иштирок этиб, чорва молларини сунъий уруғлантириш шохобчалари, аҳоли шахсий томорқаларидаги ишлар билан яқиндан танишдилар.

Семинарда вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев иштирок этди.

Тўйчи ДЎСМАТОВ.

ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришда шахсий томорқа ерларининг роли беқиёс. Томорқада етиштирилган мева, сабзавот ва турли ошқўқлар оила бюджети учун қўшимча даромад манбаи.

Қибрайликлар бозор иқтисоди шароитидан келиб чиқиб, ўз томорқаларига қишлоқ хўжалик экинлари экиш билан бир қаторда, парранда ва молларни кўпайтиришга алоҳида эътиборни қаратмоқдалар. Айниқса, етти хазинанинг бири бўлган паррандачиликка эътибор кучайди. Товуқларни кўпайтиришда "ЮТМ-Парранда", "Шарқ" паррандачиликка ихтисослаштирилган ҳиссадорлик жамиятлари аҳолига ёрдам қўлини чўзмоқда.

Куни кеча парранда боқишга шароити бор кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 70 га яқин оилага хайрия тарқасида 2000 та жўжа тарқатилди. Уларни "ЮТМ-Парранда" ҳиссадорлик жамияти етказиб берди.

– Яхшилаб парваришласак, ҳадемай тухум ҳам, гўшт ҳам ўзимиздан чиқади, – дейди Зокиржон Одилов (Оққовоқ қишлоғи). – Биз бундай ғамхўрликдан миннатдормиз.

Келаси ҳафтада яна 200 та хонадонга товуқ тарқатиш режалаштирилган. Бу хайрия тадбири тумандаги барча маҳаллаларда давом эттирилади.

СУРАТДА: хайрия тадбиридан лавҳа.

Маҳмуд МУРАХАТОВ олган сурат.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

ТОШЛОҚДА БОҒ ЯРАТГАН ФЕРМЕР

Юртимизда байрамлар кўп. Албатта, ҳар байрамнинг ўз ўрни, ўз қувончи бор. Лекин Мустақиллик байрамини юртдошларимиз ўзгача шодиёна билан кутиб олишади. У қалбларга шукуҳ бағишлайди. Чунки бу байрам элу юртга озодлик, осойишталик ато этган.

Мустақиллик туфайли деҳқону соҳибкорнинг, чўпончўлиқнинг, тадбиркору ишбилармоннинг елкасига офтоб тегди. Ишнинг кўзини билган одам мулк эгасига айланди. Ишлайман деганга шароитлар етарли...

Бу сўзлар бир менинг эмас, кеча оддий хўжалик ишчиси бўлган, бугунги кунда эса бой фермерга айланган паркентлик олтмиш олти ёшли Суннат Қўчқоровнинг ҳам дилидан тилига чиқаётган сўзлар.

– Мана шу сойнинг бир четидан олти сотих ер ажратиб беришди. Уй солганимдан кейин экин-тикин қилиш учун кафтдек жой қолди. У ҳам бўлса тошлоқ, ҳатто, рўзғор учун укроп, кашнич ҳам экиб бўлмайди. Амаллаб, хўжаликда ишлаб тирикчилик қилардик, – дейди Суннат ота. – 1991 йил эди ўшанда. Энди мустақил бўлган давримиз эсада, ҳали истиқлолнинг туб моҳиятини тўла-тўкис англаб етмаганмиз. Сой бағрини ўзлаштириш мақсадида раиснинг ҳузурига кирдим...

Хўжалик раиси Суннат Қўчқоровдан тошлоқ жойларга тупроқ тўкиб, ер очишини эшитиб, "эплармикинсиз?" дегандек қаради. Суннат ака гапида қатъий турди. Раиснинг розилигини олиб, хужжатларни расмийлаштиргандан сўнг сойни аввал тошлардан, шағаллардан тозалади. Балки эшитган одам ишонмас, 200 машина тупроқ олиб келиб тўкди. Шунда баъзи томошаталаблар "пулни беҳуда сарфлаяпсан" деб таъна қилишди. Суннат ака ўз билганидан қолмади. Ойласи, хусусан, ўғиллари Анзор, Аброр, Анварларни ёнига олиб, тиним билмай тер тўкишди. Сойдан 300 метр масофага сув чиқаришга ҳам эришди. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деб шунга айтсалар керак-да.

Бугун бу оила кечаги кунда чеккан машаққатлари-ю, қилган меҳнатларининг ҳузурини кўраяпти. Ҳовлига кирган одамнинг кўзи қамашади. Ариқ четларида рўзғор учун кашнич, укроп, саримсоқ пиёз, барра пиёз кўклаб ётибди. Бир четида ҳосилга киришга шай турган кишмиш, тойифи навли ток новдаларини қизларнинг сочидек тараб қўйишибди. "Семеринка", "Голден", "Дюшест" навли олмаларнинг ғўраси шиғил. Қип-қизил қулупнайлар "мен пишдим" дегандек, кўм-кўк барглар орасидан мўралайди. Шафтоли ниҳоллари шамолда чайқалиб турибди. Янги очилган ер учун Суннат отанинг ўзи ток кўчат етиштираётган экан. Улар ҳам бақувват. Ҳовлининг сойга уланиб кетган этак тарафида боқувдаги қора моллар, кўрада қўйлар. ДТ-75-трактори, Газ-51 – "Волга", "Жигули" русумли машиналар кунлик хизматга шай.

Ҳали унинг 112 гектарли "Заркент калта қўл" фермер хўжалигининг узумзору боғларига бориб қолсангиз у ерда ҳам ишларни дўндириб қўйганига гувоҳ бўласиз.

Авваллари шунчаки, хўжаликка бориб-келиб, вақт ўтказадиган ишчи бугун ҳақиқий ер эгасига, мулкдор фермерга айланганини кўргингиз келса, "Заркент калта қўл" фермер хўжалиги далаларига боринг. Тиниб-тинчимас Суннат Қўчқоровнинг ишларини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Қишлоқ мулкдорига айланган фермер отанинг чорвачиликда ҳам, боғдорчиликда ҳам бажариб қўйган ишларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Дилфуза МИРОБИДОВА.

ТАДБИР

ШОИР АЙТСА, ЁНИБ АЙТАДИ

"Ипотекабанк" Чиноз туман бўлими ташаббуси билан хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида "Ватаним, қутлуғ тўйинг муборак" мавзусида тадбир уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудрати кундан-кунга юксалиб бораётганини таъкидлади.

Учрашув халқ шоири Маҳмуд Тоир ва истеъдодли шоир Темур Убайдулло иштирокидаги шеърхонлик билан якунланди.

Алишер НОСИРОВ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

БУГУННИНГ ГАПИ

БОР ЖОЙДА БОЛ АРЗОН, ЙЎҚ ЖОЙДА СУВ ҚИММАТ

Табиат гўзаллиги, ранг-баранглиги, ноз-неъматлари билан қадрли. Аммо глобаллашув даврида айрим жойларда табиатга буюк мўъжиза, эъзозга лойиқ ажойиб олам сифатида қаралмай, ундан бешафқат фойдаланиш янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бефарқлик, худбинлик эса экология ҳамда иқлим билан боғлиқ муаммоларнинг янада чуқурлашувига олиб келди.

Жаҳон аҳлини ташвишга солаётган сув танқислиги, яъни чучук сув етишмаслигига ҳам айнан инсонларнинг худбинлиги сабаб десак, тўғри бўлади. Мутахассисларнинг тахминига кўра, 2030 йилга келиб, сайёрамизнинг 47 фоиз аҳолиси сув танқислигига дуч келиши мумкин. Рақамлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги 40 йил ичида дунёда киши бошига тўғри келадиган чучук сув 60 фоизга камайган. Яқин 25 йил ичида яна 2 баравар камайиши тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, жаҳондаги 40 га яқин давлат, ер юзидаги 1,2 миллиард аҳоли тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. 2,3 миллиард киши эса антисанитария ҳолатидаги сувдан фойдаланмоқда. Шунингдек, дунё аҳолисининг бешдан икки нафари ичимлик суви етишмайдиган ҳудудда яшайди.

Мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланишга қаратилган "Сув ва сувдан фойданиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижроси қатъий назорат остига олинган.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Қонун ижроси бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Ўтган даврда вилоят инспекцияси давлат назоратчилари саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда транспорт корхоналарида 145 га яқин текшириш ўтказдилар. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий кенгаш режа-жадвалига асосан сув манбаларини муҳофаза қилиш инспекцияси 118 та хўжалик субъектини текширди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи корхона, иншоот ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ҳамда фойдаланишга топшириш бўйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда.

Вилоятимиз ҳудудидан Оҳангарон, Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари оқиб ўтади. Улар сувини муҳофаза қилиш ҳокимлик қарорларига асосан, тегишли ҳудудлар инспекторларининг доимий назоратида.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида Чирчиқ дарёсининг сувини муҳофаза қилиш минтақаси ва қирғоқбўйи полосасини белгилаш тўғрисида"ги қарорига асосан Чирчиқ дарёси сувини муҳофаза қилиш минтақасида жойлашган 21 та экологик хавф туғдириш эҳтимоли бор объектлардан 17 таси ҳудуддан ташқарига олинди. Бўстонлиқ туманидаги "Тайпан Файз Барака" мол боқиш, Чиноздаги "Эргашев" ва "Дўстлик" сут товар ҳамда Юқоричирчиқ туманидаги "Наврўз" чорвачилик фермаларини дарёнинг муҳофаза минтақасидан чиқариш тўғрисида ҳокимликлар, ер ажратиш ва қабул қилиш комиссиялари, вилоят прокурори номига мурожаат хатлари ёзилди.

Чирчиқ дарёси бўйларида 16 марта рейд ўтказилиб, 50 шахсга жами 1 миллион 259 минг 199 сўм жарима белгиланди. Сирдарё бўйларида ҳам 12 марта рейд ўтказилиб, 47 шахсга 836 минг 728 сўм жарима солинди. Шунингдек, Сирдарёнинг қирғоқбўйи полосасидан чиқарилиши лозим бўлган 30 та объектдан Бўка ва Бекобод туманларидаги 6 тасининг фаолияти тўхтатилди. Қолган объектлар бўйича ҳам тегишли чоралар қўлланилмоқда.

Вилоятдаги оқава сувни тозалаш иншоотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, камчиликларни бартараф этиш учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси "Ифлослантирувчи манбалар мониторинги дастури" асосида иш олиб бормоқда. "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхоналарига тегишли 7 та, корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги 35 та сув тозалаш иншоотлари самарали ишламоқда. Улар ўз вақтида назорат қилиниб, жиҳозлари алмаштириб турилади. Ҳар чоракда бир бор сувдан намуна олиниб, таҳлил қилинади. Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари ҳамда Чиноз, Янгийўл туманларидаги оқава сувни тозалаш иншоотлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, ижроси доимий назорат қилинмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига қараганда сув ҳавзаларига чиқиндилар ташланиши оқибатида Рейн, Сена, Темза, Дунай, Днепр, Волга, Дон, Нил, Миссисипи, Ганг, Янцзи каби дарёларнинг ҳолати ёмонлашган. Бу эса чучук сув муаммосини келтириб чиқармоқда. Юқоридаги каби нохуш вазиятларнинг олдини олиш мақсадида вилоятимиздаги сув манбалари қатъий муҳофаза қилинмоқда. Сув ресурслари бўйича давлат инспекторлари 120 га яқин рейд ўтказиб, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун талабларини бузган 297 кишига нисбатан тегишли чоралар қўллади.

Бу каби саъй-ҳаракатлар табиат ва унинг неъматларини асраб-авайлаш ва келажак авлодга асл ҳолича етказишга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, она табиатни бор латофати, мафтункорлиги билан севиш, қадрлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

А. ХОЛМУРОДОВ,
инспекция бошлиғи вазифасини бажарувчи.

«ҚИЗИЛ КИТОБ» САҲИФАЛАРИДА

ОВЛАШ ТАҚИҚЛАНГАН

Ўрта Осиё қундузи бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бунинг асосий сабаби дарёлар сувининг ўзгариши ва ифлосланиши, тоғ воҳаларининг ўзлаштирилиши ҳамда уларни аёвсиз овлашдир. Қундузлар тунда фаол ҳаракатланиб, балиқ, сувилон, майда сут эмизувчилар билан озиқланади. Улар ҳар икки йилда бир марта болалайди.

Бу сув жониворлари қимматбаҳо мўйнаси учун кўп овланиши оқибатида табиий кўпайиши қийинлашган.

Маълумотларга кўра, 1970 йилдан сўнг қундузларнинг кескин камайиши кузатилган. Ҳозир ушбу жонивор Амударё, Сурхондарё, Қашқадарё, Қизилдарё, Оқсув, Шероботдарё ва Мочайдарёнинг юқори қисмида сақланиб қолган холос. Улар 150 дона атрофида экани тахмин қилинмоқда.

Айтиш жоизки, қундузлар Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган бўлиб, уларни овлаш тақиқланган, "Ҳисор" қўриқхонасида алоҳида муҳофазага олинган.

ТАБИИЙ МУВОЗАНАТ – ХОТИРЖАМ ҲАЁТ

ЧАНГ — УМР ЗАВОЛИ

Она табиатни муҳофаза қилиш яшнаб турган заминимизни асраш билан боғлиқ бўлиб, бу одамлар соғлиғи, келажак авлодлар ҳаёти учун жуда муҳимдир.

Абу Али ибн Сино айтганидек, агар ҳавода чанг-ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшаши мумкин экан. Бунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан табиатни асрашни уйғунликда амалга ошириш, ҳавонинг софлигига эришиш лозим.

Вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичини ўтказди. Тадбир доирасида 270 та автокорхонада 4 мингга яқин транспорт воситаларининг техник ва экологик ҳолати ўрганилди. Шундан 150 та транспортнинг эконосозлиги аниқланиб, камчиликлар бартараф этилгунига қадар фойдаланиш тақиқланди. Автокорхоналардаги тутун ва газ ўлчагичлар текширилганда, асбоблардан фойдаланишга масъул шахс тайинланмагани аниқланди. Жумладан, Қибрай, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларидаги "Тошкент ИЭС" унитар, "81-автокорхона" ва "74-автокорхона" масъулияти чекланган жамиятларида юқоридаги ҳолатлар борлиги маълум бўлди.

Шунингдек, 41 та техник хизмат кўрсатиш устаҳоналаридаги аҳвол ўрганилиб, 5 тасида эконазорат ташкил қилинмаганлиги туфайли масъул ходимларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Автомобиль йўлларидаги постлар ва йўл-патруль хизмати масканларида жами 9 мингга яқин транспорт воситаларининг экологик ҳолати текширилганда, 150 та юридик ва 700 та жисмоний шахснинг автоуловларида камчиликлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ҳам текширув ва назорат ўтказилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш, табиий мувозанатни сақлаш инсоният олдидаги долзарб муаммолардан бири эканини унутмайлик.

Дилмурод ШУКУРОВ,
вилоят ЙҲХБ техника назорат бўлими бошлиғи.

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг ўз қонуниятлари бор. Уларга риоя қилмаслик экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам илм-фаннинг жадал ривожланиши, ер ости ва ер усти табиий бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида атроф-муҳитдаги табиий мувозанат издан чиқмоқда. Натижада энг бебаҳо неъматлар – тупроқ, сув, ҳаво ифлосланиб, яроқсиз ҳолга кела бошлади.

Иқлим ўзгариши, ичимлик суви танқислиги, тупроқ завол топиши, ўсимлик ва ҳайвонлар қирилиб кетиши, чиқиндилар кўпайишига айнан инсонлар сабабчидир.

Тадқиқотларга кўра, ичимлик сувининг 30-40 фоизи одамларнинг бепарво ва масъулиятсизлиги сабаб канал, ариқларга оқиб кетар экан. Ваҳоланки, 2 миллиардга яқин киши сувнинг ҳар томчисига зор. Қолаверса, инсонлар табиатга улкан фойда манбаи сифатида қарашлари туфайли ҳозир ер юзидаги ўсимликларнинг 60 мингга яқини, ҳайвонларнинг 7 мингдан ортиқ тури йўқ бўлиб кетиш арафасида. Табиатга, атроф-муҳитга бўлган шафқатсиз муносабат, алал-оқибат инсонларнинг азият чекишига сабаб бўлмоқда.

Шундан бўлса керак, сўнгги йилларда турли халқаро анжуманларда, энг аввало, одамларда экологик маданиятни шакллантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Экологик маданият, табиатни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш экологик шароитни яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун эса аҳоли ўртасида экологик тарбияни кучайтириш зарур.

Мутахассислар Ер куррасидагги турли фалокатларга экологик тарбия ва маданиятнинг пастлиги сабаб бўлаётганини эътироф этишмоқда. Шунинг учун айрим мамлакатларда атроф-муҳитга зарар етказган шахсларга нисбатан жарима солиниши қонунга киритилган. Масалан, Сингапурда рухсат этилмаган жойларда тамаки чекилса 500 АҚШ доллари, Туркияда тамаки қолдиғини кўча, йўлларга ташлаганлар эса бир ойлик маошидан маҳрум бўлади.

Аслида экологик тарбия дастлаб оиладан бошланади. Мевали ва манзарали дарахтларнинг шохини синдирмай, уларга сув қуйишни ёшликдан одат қилган болада табиатга меҳр эрта шаклланади. Эртаю кеч қушларга тош отадиган болалар эса бу тушунчани балоғат ёшида ҳам англаб етишлари қийин. Ота-оналар болаларининг хатти-ҳаракатларидан бохабар бўлиб, экологик тарбияга ҳам эътибор қаратишлари керак. Бу жараён боғчада, кейинчалик эса ўқув муассасаларида давом эттирилади.

Мактаблар, олий ўқув юртлари, саноат, ишлаб чиқариш корхоналари, маданият уйларида табиат бурчакларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Зеро, табиатни муҳофаза қилиш, у билан ўзаро муносабатнинг самарали бўлиши бош Қомусимизда ўз ифодасини топган. Унда фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурликлари, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиат захиралари умуммиллий бойлик ҳисобланиши, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган.

Мамлакатимизда тўққизта давлат қўриқхонаси, иккита миллий боғ, тўққизта давлат буюртма қўриқхонаси ва ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича битта республика маркази фаолият кўрсатаётгани, уларнинг моддий-техник базаси яхшиланганини табиатни севиш, унинг бойликларини кўз қорачиғидек авайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ифодаси дейиш мумкин.

Д. ҚАХҲОРОВ,
Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш давлат инспектори.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

орқали қилинган бирорта мурожаат эътиборсиз қолмайди, муаммо тез ҳал этилади

Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши йиғилиши қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ўқув-семинар ўтказилди. Унда қўмитанинг барча давлат инспекторлари иштирок этишди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ушбу фаолият билан шуғулланувчиларга қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, ўтган вақт ичида текширилиши режалаштирилган 91 та субъектдан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш (иш ва хизматлар)нинг барқарор ўсиш суръатларини ва рентабеллигини таъминлаган 12 таси фаолияти текширилмайдиган бўлди.

Тадбиркорларнинг мавжуд муаммолар тўғрисидаги мурожаатларини ўрганиш мақсадида, вилоят қўмитаси ва ҳудудий бўлинмаларда "Ишонч телефонлари" узлуксиз ишлаб турибди. Шунингдек, ҳар ойнинг жума куни "Очиқ эшиклар куни" ўтказилиб, тушган мурожаатлар қайд этилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Йилнинг биринчи чорагида 123 дан зиёд тадбиркорлик субъектларида тушунтириш ишлари олиб борилди, оммавий ахборот воситаларида 95 марта чиқишлар қилинди, қўмита ташкил этган "Очиқ эшиклар куни"да 200 га яқин тадбиркор иштирок этди ва улардан 93 та муаммоли масалалар қабул қилиниб, барчаси ижобий ҳал этилди. "Ишонч телефони" орқали 14 тадбиркордан қабул қилинган мурожаатлар ўз вақтида ечим топди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир қонун ҳужжатларидан фойдаланиш бўйича тадбиркорлик субъектлари ва корхона раҳбарлари учун 1070 дона қўлланмалар тарқатилди.

А. АЗИМОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи.

ҲАЙВОНОТ БОҒИДА БИР КУН

БАЛАНД ТОҒЛАРДА ЯШАЙДИ

Калхат, миққий, бургут, қирғий, тасқара, укки кабилар йиртқич қушлар ҳисобланади. Улар асосан умуртқали ҳайвонлар билан озиқланади. Бу қушларнинг тана тузилиши ва ғайритабиий хатти-ҳаракатлари ўлжани қидириб топиш ҳамда осонгина ушлаб олишга мослашган бўлади.

Американинг баланд тоғларида яшайдиган кондор ҳам дунёдаги энг йирик йиртқич қушдир. Унинг тирноқлари узун, ўткир бўлиб, учи илмоқдек қайрилган. Кўриш қобилияти кучли бўлгани учун ўлжасини 500 метр олисдан кўра олади. Қанотларининг узунлиги 3-3,5 метрга етади. Ҳар йили ёз ойида 2-3 та тухум қўяди. Полапонларини гўшт билан боқади, натижада улар икки-уч ойда оналаридек учишни бошлайди. Ўрта Осиёда учрамайдиган бу қушни Тошкент ҳайвонот боғида кўришингиз мумкин. У ерда кондорнинг эркин, табиий ҳолда яшаши учун барча шароитлар яратилган.

АЖАБО...

ЖУФТИГА СОДИҚ

Қурбақалар ҳам ягона жуфт билан яшаши мумкинлиги олимлар томонидан исботланган.

Жанубий Америкада яшовчи заҳарли қурбақалардан айрим турларининг шундай ҳаёт кечиришлари кузатилган.

Олимларнинг айтишича, урғочи қурбақа ўсимлик баргларига тухум қўяди. Шундан кейин бутунлай ғойиб бўлади. Итбалиқларни озиқлантириш, қўлга етказиб қўйиш ота қурбақа зиммасида қолади. У шу тарзда ўз жуфтига содиқлигича ҳаёт кечиради.

ЭНГ УЗУН ИГНАБАРГ

Ҳимолай тоғларида ўсадиган пинус лонгифолия номли қарағайнинг барги дунёдаги энг катта игнабарг ҳисобланади. Бир дона баргнинг узунлиги 30 сантиметрга етади. Бундан ташқари, пинус лонгифолия қарағайи ўз таркибида ошловчи моддаларнинг кўплиги билан ҳам қимматлидир.

ПАСЮК ОДАМГА ТАШЛАНИШИ МУМКИН

Пасюк – каламушлар ичида энг йириги ҳисобланади. Танасининг узунлиги 27 сантиметр, думи эса 40 сантиметрга етади. Бу каламушнинг оғирлиги 800 грамм ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ўта совуқ ҳавода яшашга мослашган. Пасюк гўшт ейишни хуш кўради. У нафақат мушук ва итларга, ҳатто, одамга ҳам ташланиб, жиддий зарар етказиши мумкин.

НАҲОТКИ...

НЕГА ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ?

Кашмир университети маъмурияти Бобурийлар даврида асос солинган Насим Боғи яқинида талабалар учун ётоқхона қуришини маълум қилди.

Қизиғи шундаки, янгиликни эшитган талабалар норозилик билдириб, очлик эълон қилишди. Чунки, янги ётоқхона боғдаги ўнлаб қадимий, кекса чинорларнинг кесилишига олиб келади.

– Чинорлар мерос ҳисобланади, бироқ меросни қўриқлаш университет вазифасига кирмайди, – дейди университет вице-президенти Абдул Воҳид. – Шунга қарамай, дарахтларни сақлаб қолиш мақсадида қурилишни саккиз метр нарирокдан бошлашга қарор қилдик.

Кашмирдаги чинорларни сақлаш маркази берган маълумотларга кўра, чинор илдизлари саёз ва тарқоқ бўлганлиги сабаб, қурилишни камида 50 метр узоқликда бошлаш лозим.

Айтиш жоизки, 1976 йилда Кашмирда 42 минг дона чинор дарахти бўлиб, бугун 16 мингта қолган, холос.

Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Ирода НОРБОЕВА тайёрлади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини аввало, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бораётганида кўриш мумкин. Айниқса, қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, ободликка юз тутаётгани Юртбошимиз қайта-қайта такрорлаганларидек, ислоҳотлар аввало инсон учун эканлигининг амалдаги исботидир.

«Қишлоққурилишбанк»:

МАҲАЛЛИЙ ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖДА

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимиз молия-банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, соҳани такомиллаштириш, молия муассасаларининг барқарорлигини кучайтириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Очиқ акциядорлик тижорат "Қишлоққурилишбанк"нинг вилоят минтақавий филиали ўз мижозларига барча турдаги банк хизмати, жумладан, ҳисоб-касса, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби жабҳаларда фаол хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, бунёдкорлик ишларининг кенг қулоч ёйишида банкнинг молиявий кўмаги бениҳоя катта ва самарали бўлмоқда.

Республикамизнинг турли жабҳаларига кенг қамровда хизмат кўрсатиш натижасида 2011 йилнинг 1-чорагида тармоқлар бўйича банкнинг вилоят минтақавий филиали ажратган кредитлар 7 миллиард 253,9 миллион сўмга етди. Шундан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга 4 миллиард 972,2 миллион сўм, қишлоқ хўжалиги соҳасига 1 миллиард 101,8 миллион сўм, қурилиш корхоналарига 605,2 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳаларга 120,9 миллион сўм ҳамда бошқа соҳаларга 453,8 миллион сўм ажратилди. Банк ажратган шу маблағлар эвазига 50 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган қурилиш соҳаси сўнгги йилларда ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиб бормоқда. Айниқса, қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари марказининг қишлоқ туманларига кўчиши республикамиз қишлоқлари қиёфасини, меъморий шакл-шамойилини бутунлай ўзгартириш билан бирга, айнан қишлоқ жойларда минглаб янги ишчи ўринлари ташкил этиш, маҳаллий қурилиш индустрияси ва унинг таркибий тузилмаларининг замон талабларига мослашишига олиб келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, банк томонидан "Қишлоққурилишинвест" шўъба инжиниринг компанияси иштирокида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар қийматини пасайтириш, қурилишда ишлатиладиган асосий ашёлар, жумладан, пишиқ ғишт, эшик-ром ва том ёпиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, иш шу асосда ташкил этилмоқда.

"Қишлоққурилишбанк"нинг вилоят минтақавий филиали мижози – Юқоричирчиқ туманида фаолият юритаётган "Lyuks Silikat Plyus" хусусий корхонаси ҳам зиммасига юклатилган шундай вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётир. Банк бу мижозга 700 миллион сўм миқдорида кредит ажратди ва шу маблағдан фойдаланиб, янги ғишт заводи қуриб ишга туширилди. Ушбу ишлаб чиқариш қувватларининг тўла ишга тушиши замонавий, ёқилғини тежаб сарфлайдиган технологиялар асосида йилига 12 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўз навбатида, бу корхонада қарийб 20 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Бундай тадбирлар мамлакатимиз қишлоқлари кўркини замон талабларига мослаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан бирга, қишлоқларда саноат ишлаб чиқаришини янада кенгайтиради, маҳаллий қурилиш индустрияси ривожини янги босқичга олиб чиқади, албатта.

"Қишлоққурилишбанк" матбуот хизмати.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 29 июнь соат 15.00 да очиқ тендер ўтказилади

1. Битта пакет билан:
ВХ-478 й.т. "Кенсой қишлоғи – 17-шаҳар шифохонаси"
ВХ-479 й.т. "Маданият қишлоғи – Юнусобод бекати (Универсам)"
ВХ-516 й.т. "Қибрай АШБ – Мой қишлоғи"
ВХ-518 й.т. "Мой қишлоғи – ТошДАУ"
2. Битта пакет билан:
ВХ-493 й.т. "Гулистон маҳалласи – Қибрай АШБ"
ВХ-511 й.т. "Қибрай ф/у 2-бўлим – Қадирлик маҳалласи – ТТЗ"
ВХ-521 й.т. "Югнакий даҳаси – Қипчоқ қишлоғи"
ВХ-563 й.т. "Қибрай АШБ – СамПИ бекати (Ялангоч мавзеси)"
3. ВХ-231 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали – Имом Султон Бува масжиди"
4. ШИ-10 й.т. "112-даҳа – Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ ш.)
5. Битта пакет билан:
ВХ-575 й.т. "Чиноз шаҳри – Тошкент (С. Раҳимов АШБ)"
ВХ-581 "Чиноз шаҳри – Янгиобод ф/у"
ВХ-582 й.т. "Чиноз шаҳри – С. Раҳимов ф/у"
6. ВХ-421 й.т. "Янги ҳаёт қўрғони – Қўйлиқ АШБ"
7. ВХ-464 й.т. "Боғзор қўрғони – Ширин АШБ"
8. ШИ-26 й.т. "2-Азотчи маҳалласи – Ҳарбийлар шаҳарчаси"
9. ВХ-417 й.т. "Оҳангарон АШБ – Тўйтепа АББ"
10. ВХ-561 й.т. "Консерва заводи – Минг ўрик АШБ"
11. Битта пакет билан:
ВХ-491 "Хўжақўрғон қишлоғи – Машинасозлар АШБ"
ВХ-494 "Хўжақўрғон қишлоғи – Белоножко АШБ"
ВХ-496 "Чингелди қишлоғи – Машинасозлар АШБ"
ВХ-497 "Байтқўрғон қишлоғи – Қўйлиқ АШБ"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси мухри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 24 июнь соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2011 йил 28 июнь соат 18.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи қуйидаги фан ўқитувчилари вакант лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Тарих фани ўқитувчиси;**
2. **Ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси;**
3. **Иқтисод ва тадбиркорлик бизнес асослари фани ўқитувчиси;**
4. **Математика фани ўқитувчиси;**
5. **Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси;**
6. **Информатика фани ўқитувчиси;**
7. **Инглиз тили фани ўқитувчиси;**
8. **Физика фани ўқитувчиси;**
9. **ЁЧТ фани ўқитувчиси.**

Номзодлар танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

– сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;

– маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;

– илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);

– илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

– 3х4 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Академик лицейнинг ходимлар бўлимида қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй. Телефон: 260-51-19.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бекобод тумани СИБ томонидан 14.10.2010 йилдаги № 17570-сон ижро ҳужжатига асосан, Ёшлик ХХСК омборхонасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 10 L 233 ВА бўлган "Нексия Донс" русумли автотраспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 16 181 186 сўм. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳудудий СИБ томонидан 20.05.2010 йилдаги № 18-1005/12327-сон ижро варақасига асосан, "Сарбон Нефтегаз" корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Т/Р	Автомототранспорт воситаси номи	Ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич нархи (сўм)
1	Mercedec S 500	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10BE705	98 174 218
2	LEXUS LX 570	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 251 EAA	101 878 777
8	GMS 5AVANA 2500 S	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01M000914	90 098 893
4	Mercedec S 500	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01720KAA	113 556 539
5	Mercedec S 500	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10BC707	192 972 870
6	Mercedec G 550	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01702NAA	117 483 239
7	Mercedec ML 350	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 691 DAA	85 205 616
8	БМВ 760 LI	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 251 DAA	107 670 461
9	Mercedec S 500	2009 йилда иш/чиқ., дав/рақ. M 7009	164 145 286
10	Mercedec ML 350	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 690 DAA	101 540 898
11	Mercedec S 280	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 070 GAA	97 014 383
12	ЛЕКСУС LX 570	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10AD779	145 330 809
13	RANDROVER	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10BJ006	133 000 939
14	ЛЕКСУС LX 570	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. M0059	190 378 194
15	TOYOTA LAND CRUIZER	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 01 532 DAA	134 115 744
16	BMW 7501AL	2008 йилда иш/чиқ., дав/рақ. 10AR800	93 677 998

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 30 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 21 июль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 16 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.08.2008 йилдаги № 2-57-2008 сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар "Шарқли Мелиса" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 47-25 бўлган "Форланд" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 129 224 сўм. 2. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 47-15 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 904 362 сўм. 3. 1996 йилда и/ч., дав.бел. М 47-16 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 237 779 сўм. 4. 1995 йилда и/ч., дав.бел. М 47-24 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 269 087 сўм. 5. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 47-18 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 825 927 сўм. 6. 1996 йилда и/ч., дав.бел. М 47-21 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 684 855 сўм. 7. 1997 йилда и/ч., дав.бел. М 47-22 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 654 855 сўм. 8. 1995 йилда и/ч., дав.бел. М 47-20 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 618 631 сўм. 9. 1994 йилда и/ч., дав.бел. М 60-56 бўлган "Форд Транзит" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 663 351 сўм.

Аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар МЧЖ "Сергели ихтисослашган бозори" ҳудудида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 228 бўлган "Ваз 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 9 235 281 сўм. 2. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 240 бўлган "Ваз 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 11 082 016 сўм. 3. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 227 бўлган "Ваз 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 597 490 сўм. 4. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2008 йилда и/ч., дав.бел. 10 BG 223 бўлган "Ваз 21074" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 125 979 сўм. 5. 09.07.2010 йилдаги № 1-180/10-сон ижро варақасига асосан, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 АС 201 бўлган "Такума" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 18 483 555 сўм. 01.06.2009 йилдаги № 2919/18-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани "143-сон автобаза" ҳудудида сақланаётган 1987 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 10 V 2027 бўлган "Ваз-21063" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 783 104 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтохур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган молмулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги "Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» ОАЖ танловда қатнашишга таклиф этади

Танлов номи – Оҳангарон тумани истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторларни ташкил этиш ва ушбу операторларга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиш учун таклиф этилаётган ҳудуд: Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Оҳангарон туман электр таъминоти корхонаси.

Танлов ташкилотчиси – "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ.

Инвесторларга қўйиладиган асосий талаблар:

– инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

– танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги муддати:

– 2011 йил 30 июнь соат 18.00 гача.

Танлов ўтказиш муддати – 2011 йил 1 июль соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиши ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, Низоми ва таъсис ҳужжатлари;

– инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

– инвестор "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида "Ўзбекэнерго" ДАК маълумотномаси;

– инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

– танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

– тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

– танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;

– "Ўзбекэнерго" ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қибрай СКБ, МФО 00884, ИНН 201221748, ОКОНХ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42, "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ. Мурожаат учун телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин.

Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» OAJ.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ЭЪТИҚОД ЭРКИГА ЭҲТИРОМ

Конституциямизда халқимиз руҳига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, ор-номус, иффат ва ҳаё каби энг эзгу мавзулар мужассам. Жумладан, кўпмиллатли юртимизда турли диний эътиқодлар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган: "Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар қонун олдида тенгдир".

Таъкидлаш лозимки, Ислом дини бирон бир давлат, миллат ёки муайян гуруҳларга мансуб бўлмай, унинг ҳаётбахш таълимоти, аввало, инсонни энг азизу мукаррам зот сифатида эъзозлайди. Одамлар дин ва эътиқодда бир-бирларидан фарқланса-ларда, уларнинг ўзаро меҳр-шафқатли бўлишлари ҳамда ораларида дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашларига ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди.

Ислом динининг муқаддас манбаси бўлмиш Қуръони карим ва ҳадисларда бунга далил бўлувчи мисоллар кўп. Жумладан: "Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик".

Минг йилликлар давомида аждодлардан авлодларга, ота-оналардан фарзандларга, ворисларга ўтиб келаётган ва дунёнинг ҳеч бир бурчагида такрорланмайдиган ажойиб муносабатларнинг, инсоний фазилатларнинг Асосий Қонунимиздан ўрин эгаллагани таҳсинга сазовор. Диёримизда истиқомат қилувчи мўмин-мусулмонлар Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан кенг ва бемалол фойдаланмоқдалар.

Кўп оятлар инсоннинг қадр-қиммати нақадар юқори ва ҳар бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари дахлсизлиги ва кафолатланганини таъкидлайди: "Динда мажбурлаш йўқ, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди...". Демак, ҳар бир шахс ўз виждони ва эътиқодидан келиб чиққан ҳолда бирор динни ихтиёрий танлаши, бунда ҳеч қандай зўравонлик бўлмаслиги лозим. Бу Конституциямизда ҳам ўз аксини топган: "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди" (31-модда).

Бундан ташқари, Ислом дини азалдан оила ва никоҳга катта эътибор қаратиб келган. Насл-насабни сақлаш, жамиятнинг маънавий ҳолатини яхшилашнинг асосий омили оила дея эътироф этилган. Шунингдек, шариатимизда ота-онанинг фарзанди олдида учта бурчи борлиги айтилади. Чиройли исм қўйиш, гўзал хулқ-атворли этиб тарбиялаш ва вояга етгач, агар ўғил бўлса, солиҳа қизга уйлантириш, қиз бўлса имон-эътиқодли мусулмонга турмушга беришдир. Бу борада ҳам ислом динимизнинг қарашларига

МАЪНАВИЯТ

асосий ҳуқуқий қомусимиз ҳамоҳанг: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар" (64-модда).

Қуръони каримда шундай дейилади: "...Уларни меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг зиммасидадир". Бундай ҳамоҳанглик Конституциянинг деярли барча моддаларида сезилиб туради. Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган. Конституциямиз, унга ҳамоҳанг қонунларимиз негизида яратиб берилган шароитлар натижасида республикамизда 2000 дан ортиқ масжид, ўнлаб диний ўқув юртлари фаолият юритмоқда.

Буюк аждодларимиз Форобий, Беруний, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Абу Ҳавс Кабир Бухорий, Имом Термизий битган барча асарларда бирлик, маънавиятни асраш, ривожлантириш, фозилликка, инки дунёда саодатли турмушга эришиш масалалари қўйилиб, ҳал этилган. Умумтараққиёт ва тамаддун улар ижодида юксак имон-эътиқод, соф ахлоқийлик, ҳалоллик, илм-фанга асосланиш ва меҳнатсеварлик, ўзаро ёрдам билан узвий боғлиқ ҳолда қаралган. Тараққиёт ва саодатли ҳаёт ислом таълимоти доирасида тушунилган, ижтимоий ҳаёт юксак умуминсоний асосларга монанд ташкил этилган. Маданиятимиз, динимиз ўзининг табиий-тарихий, миллий ва фалсафий асосларига қайтмоқда. Айниқса, маънавий меросни ўрганиш, аждодларимиз қолдирган ҳаётий асарларни оммалаштириш, буюк алломалар ва улуғ аждодларимизнинг муборак номлари ва ижодининг халққа қайтариб берилиши, она тили ва динимиз ривожланиши учун шароит яратилгани ўзбек халқи, хусусан мусулмонлар учун буюк халоскорлик ва миллатнинг келажак тараққиёти учун қудратли куч ва омил бўлди. Зеро, Аллоҳ таборака ва таоло таъкидлаб айтган: "У имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни (дуоларини) ижобат қилур ва уларга Ўз фазлидан зиёдалик ато қилур..."

Мустақиллик йилларида диний таълим тизими тубдан қайта шакланди. Бугунги кунда Имом Бухорий номли ислом институти ва тўққизта ислом ўрта махсус билим юртида 1200 га яқин талаба Қуръони карим, ақида, ҳадис, дин тарихи, фиқҳ илмларини эгаллаш билан бирга дунёвий билимлардан ҳам сабоқ олянти. Юртбошимиз ташаббуслари билан 1999 йил 7 апрелда Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши мамлакат маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Университет таркибида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, ўқув қўлланмалари чиқарадиган нашриёт ҳам ташкил этилган бўлса, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро марказнинг иш бошлаши ҳам мусулмонлар ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу ерда ҳадис илми, Имом Бухорий, Абу Исо Термизий, Имом Доримий каби улуғ муҳаддислар ҳаёти ва илмий мероси бўйича тадқиқотлар олиб борилади, турли халқаро илмий анжуманлар ўтказилади, масжидлар имом-хатиблари малакаси оширилади.

Маълумки, Асосий Қонунимизда инсон омилининг, инсон ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматининг энг олий қадрият, деб белгилаб қўйилгани бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар туфайли ўз исботини топмоқда. Бундай ҳолни мамлакатимиз мусулмонлари ҳам диний, маърифий қадриятларни қайта тиклаш мисолида шоҳид бўлмоқдалар. Аллоҳ таоло юртимизни тинч, ҳаётимизни фаровон айласин! Яратган Парвардигор барчамизни Ўзининг рушду ҳидоятида собитқадам қилган ҳолда, розилигига эришган бандаларидан бўлишимизни насиб айласин!

Курбон ҳожи ТУРСУНОВ,
вилоят бош имоми.

«ДЎППИ ТИКДИМ ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН»

Миллий-маънавий қадриятларимизга бўлган ҳурмат, эътибор мустақиллигимизнинг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган шу қутлуғ кунларда бор бўйини, қадди-бастини кўрсатмоқда. Ҳар бир тадбир, саъй-ҳаракатларимиз асосида она Ватан, миллий ўзлигимизга бўлган чуқур меҳр-муҳаббат, ғурур-ифтихор туйғулари мужассам.

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган яна бир анъанавий кўриктанлов "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" деб номланади. Унда дўппидўзлик, каштачилик, тикувчилик, тўқувчилик каби миллий ҳунармандчилигимиз усталари, ихлосмандлари, ёш ҳаваскорлар қатнашди. Навбатдаги шундай тадбирда Занги-отанинг моҳир ҳунарманд қизлари ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Тумандаги барча ўрта-махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчи қизлари яратган гўзал миллий либослар, буюм, жиҳозлар қизларнинг қалб меҳри билан янада гўзал товланади. Айниқса, Агросервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Мадина Ғуломназарова, ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Доно Қорабоева, маиший хизмат ва тадбиркорлик коллежидан Нилуфар Маҳмудова каби чевар қизларнинг маҳсулотлари барчага манзур бўлди.

Танлов ғолиблари энди вилоят босқичида иштирок этишади.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Даврон АҲМАД олган суратлар.

МАСЛАҲАТ

МЕН ЧЕКДИМ, СЕН ЧЕКМА

Соғлиғингни йўқотасан дейишдан не фойда

Боланинг феъл-атворини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби тушунчаларнинг пойдевори оилада қарор топишини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, бола тарбиясида, энг аввало, оиладаги муҳит, ота-онанинг муносабати катта аҳамиятга эга.

Она ярим кечагача ишлаб, тун ярмида уйга келса-да, қизига "кеч юрмагин", дея дакки беришидан наф йўқ. Ота кунига икки, уч қути тамакини бўшатиб, ўғлига "тамаки чекма, менга ўхшаб ташлолмай юрасан, бу соғлиғингга зарар", деб қойигани ҳам бефойда. Бунинг учун ота фарзанди олдида чекишдан ўзини тийиши ёки умуман чекмаслиги лозим.

Маълумотларга кўра, кашандаларда ўлим хавфи чекмайдиганларга қараганда 70 фоиз кўп бўлар экан. Кунига 20 марта тамаки чекувчи кашандаларда эса 2 баравар ортиқ бўлиб, уларнинг умрлари 6-10 йилга қисқараркан.

Чекиш ўпка, трахея, бронхлар, шу билан бирга, лабдаги, қизилўнгач, оғиз бўшлиғи ва ҳалқумдаги ўсмаларнинг ривожланишига, ўпка ва юрак хасталиклари кучайишига олиб келади.

Агар чекмайдиган, соғлом кишининг юраги дақиқасига 72-80 марта урса, 3-4 марта тамаки чекувчиларда 100-120 гача етади. Бошқача айтганда, тамаки юракни тез ишлашга мажбур қилади. Оқибатда қон томирлари торояди. Бундай вақтда тасодифий ўлим хавфи ортади.

Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, ёш болаларнинг хулқи, феъл-атвори ёмонлашишига ота-оналарининг тамаки чекишлари ва улар ўртасидаги келишмовчилик, фарзандларини тушунмаслик каби омиллар таъсир қилар экан. Афсуски, рўзғор ташвишлари билан банд бўлиб қолган ота-оналар фарзандининг ички дунёси билан қизиқмай қўйишади. Ваҳоланки, ўсмирлик даврида ёшларнинг руҳияти ўзгаради. Уларда ҳар қандай иллатларга мойиллик кучаяди. Бу даврда улар маслаҳат, меҳрга муҳтожлик сезадилар. Шунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзандининг соғлиги тўғрисида қайғуриб, уларга яхши суҳбатдош бўла олишлари керак.

Тамаки чекишнинг зарари тўғрисида мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот олиб бориш бу иллатнинг олдини олишга ёрдам беради, албатта.

Фарида КОМИЛОВА,
вилоят саломатлик ва тиббий статистика институти бўлим мудири.

ОДАМ САВДОСИ

ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТ

Ўтган аср инсоният яратган кўплаб янгиликлар, техник ва маданий инқилоблар, халқ озодлик ҳаракатларининг гувоҳи бўлди. Айни пайтда аср тарихида қонли уруш ва зўравонликларнинг ҳам ўчмас излари қолди. Бутун инсоният олдида ушбу хатоларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва бу масалада барқарорликни таъминлашдек жиддий масъулият ва катта вазифалар турибди.

Ер юзининг турли минтақаларида содир бўлаётган моҳиятан бутун инсоният бошига хавф солиб турувчи турли нохуш ҳодисаларни таҳлил қилиб, уларнинг барчасида инсон омили бош сабабчи эканини сезиш қийин эмас. Зўравонлик, диний экстремизм, наркобизнес каби жиноятлар инсон қўли билан содир этилмоқда. Шундай жиноятлардан яна бири одам савдоси бўлиб, бугунги кунда у умумжаҳон миқёсидаги муаммога айланди. Бу жиноят на чегара, на миллат, на ҳудуд танлайди, шу боис, трансмиллий жиноятлар сирасига киради.

Бутун дунёда одам савдосига қарши у ёки бу даражада кураш олиб борилмоқда. Шунингдек, бизнинг мамлакатимизда ҳам муайян ишлар қилинди. Меъёрий ҳуқуқий асослар яратилди ва у такомиллаштирилмоқда. 2008 йил 17 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни, республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Айниқса, 2008-2010 йилларга мўлжалланган миллий режа одам савдосига қарши курашда катта самара бергани муқаррар.

Қонунда "Одам савдосига қарши курашиш" деганда бу иллатнинг олдини олиш, уни аниқлаш, чек қўйиш ва оқибатларини енгиллаштириш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш назарда тутилган. Қонун 4 боб ва 17 моддадан иборат бўлиб, унда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолият юритувчи давлат органлари ва идораларо комиссия ҳақида тўхталинган. Шу боис, республика Ички ва Ташқи ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, дипломатик ваколатхоналар ва консулликлар билан бир қаторда, улар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясини тузиш кўрсатилган. Қонуннинг 8-моддасида одам савдоси муаммоси бўйича фаолият юритувчи давлат бошқарув органлари, маҳалла, ҳокимият идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашишга кўмаклашадилар, дея таъкидланган.

Шундай экан, ҳеч ким бу масалада бефарқ бўлмаслиги керак. Чунки, бу трансмиллий жиноятчилик, айниқса, ёшлар, аёл ва болаларни ўз домига тортаётгани ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бепарво қараб, шунчаки, кузатувчи бўлиб яшашга ҳаққимиз йўқ. Юртбошимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Бироқ лоқайд ва бепарво одам қиёфасини бирданига билиб бўлмайди, шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради", деб машҳур файласуфлардан бирининг қуйидаги фикрларини келтирган: "Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади". Бу сўзларнинг тагида қанчалик кенг фалсафий маъно ётганини эслатишга ҳожат бўлмаса керак.

Аммо энг ачинарлиси шундаки, болаку бола, ақли расо, эсли-ҳушли ёшларимиз, хотин-қизларимизнинг одам савдосини тирикчилик манбаи қилиб олган фирибгарларнинг қўлига осонгина тушиб қолишига нима дейсиз? Иболи, ҳаёли, гўзал ўзбек аёлларининг пул ишлаб келиш мақсадида, ноқонуний йўллар билан хорижга чиқиб кетишларига қандай жим қараб туриш мумкин?

Давлатимиз ва миллий қонунчилигимиз инсон ҳаёти эркинлиги ва шаънини, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият ҳисоблаб, инсон мақомини энг юксак даражага кўтариб турган бир пайтда нега инсон ўз қадрини билмайди? Алдовларга учиб, ўз хоҳиши билан ўзини ўзи қулликка маҳкум этади. Шу боис, одам савдосининг аянчли оқибатларини ҳар бир фуқарога тушунтириш мақсадида маҳаллаларда, муассаса ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, оммавий ахборот воситалари орқали туркум кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилмоқда, мақолалар босилмоқда. Аммо биз бир нарсани унутмаслигимиз керак, аввало, ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқларини яхши билиши, ҳуқуқий онгли ва маданиятли бўлиб, ҳар қандай вазиятни тўғри баҳолаб, таҳлил қила олиши лозим. Фикримизни хулосалаб, шуни таъкидламоқчимизки, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўзини шу Ватан тараққиёти учун кераклигини англаши, бошқаларнинг ҳам дахлсизлигини, шаънини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиши зарур.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
ТошДАУ қошидаги Қибрай академик лицейи директори, юридик фанлар номзоди, доцент.

2007 йилда Зангиота тумани ҳокимлигидан 2274 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Таджиев Равшан Джамалиддинович номига берилган гувоҳнома, муҳр ҳамда назорат касса аппарати йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянное свидетельство о 9-классном образовании А № 557949, выданное в 1994 году школой № 4 г. Янгиюля на имя Мирзакаримовой Дильдоры Мирзарахимовны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Частное предприятие "SHAHZODAEVA LENURA", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиназского района Ташкентской области за реестровым № 1897 от 10.06.2008г. (ИНН 300860473, ОКПО 22432645) преобразуется в ООО "EXCLUSIVE PRODUCT". Телефон для информации: (+99897) 710-56-37.

Зангиота тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2010 йил 9 июлда № 3200 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "NUR-AZIZ-MIRZO BIRLASHMASI" МЧЖ устав фондини 210.000.000 сўмдан 16.000.000 сўмга камайтиради ва Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 2000 йил 20 январда № 43 реестр тартиб рақами билан рўйхатга олинган "AZIZ NUR MIRZO" ХК "NUR-AZIZ-MIRZO BIRLASHMASI" МЧЖга қўшилади, барча мажбуриятларни олади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Даъво ва аризалар 714-840 телефон орқали қабул қилинади.

СП ООО "Ташкентская Международная школа имени Улугбека" сообщает о преобразовании в Негосударственное образовательное учреждение "Ташкентская Международная школа имени Улугбека". НОУ "Ташкентская Международная школа имени Улугбека" становится собственником всего имущества, а также правопреемником всех долгов и обязательств СП ООО "Ташкентская Международная школа имени Улугбека".

Претензии принимаются в течение одного месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: Республика Узбекистан, 100100, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Ш. Абдуллаева, дом 3-"А".

Мадаминова Дилрабо номига Тошкент вилояти Оққўрғон тумани тасарруфидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини 2010 йилда тамомлаганлиги тўғрисидаги U № 4571274 рақамли шаҳодатноманинг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Оққўрғон тумани Оққўрғон шаҳри, Ярали Хўжаев кўчасида жойлашган "Ипотекабанк" АТИБ Оҳангарон филиалига қарашли, умумий майдони 2297 кв.м., шундан иншоотнинг майдони 847,99 кв.м. бўлган 1 қаватли Оққўрғон минибанки биноиншоотлари, баланс қолдиқ қийматида: 2011 йил 1 май ҳолатига 187 572 900 (бир юз саксон етти миллион беш юз етмиш икки минг тўққиз юз) сўмга сотувга қўйилди.
Қўшимча маълумот учун телефонлар: 150-40-60, 150-40-52, (8-370) 645-24-25.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти томонидан 2003 йил 15 январда № 03-000687 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "KAPITAL PLUS" МЧЖ (ИНН 204320109, ОКОНХ 61110) ўз фаолиятини **ТУГАТМОҚДА.**

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мобайнида Миробод тумани, Кунаев кўчаси, 33-уйда қабул қилинади.

Утерянный диплом В № 0912292, выданный в 2002 году Ташкентским Государственным техническим университетом им. А.Р. Беруни на имя Саидова Дениса Усланович,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

"Ипотека банк" Меҳнат филиалига тегишли 1381593, 1878584 - жами 2 дона қатъий ҳисобда турувчи 0402005 шакл бланклари Мирзо Улуғбек ТЭТ ходими Пайзиев Х.Д. томонидан йўқотилганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "Ma`rifat Bo`stoni" (ИНН 301511154, ОКОНХ 71280) Гувохнома № 004420-03 от 23.02.2010г., зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Амира Темура, 6, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрания № 1 от 12.05.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

"ERKINLIK NURI" ХК устав фондини 114500 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларига камайтирилишини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимияти томонидан 2009 йил 5 ноябрда № 003738-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "AZIZ-MUAZZAM-TONG" МЧЖ (ИНН 301365375, ОКОНХ 71300) номига берилган думалоқ муҳр, бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Учтепа туман ҳокимлиги томонидан 2009 йил 15 июлда 4424 рўйхат рақами билан рўйхатга олинган хусусий тадбиркор Зокиров Элдор Бахтиёрович (ИНН 463777176) номига берилган Ж Ш 037359 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти Транспорт департаменти томонидан "Омад Келажак Транс" МЧЖга берилган АТ 0016057 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўртачирчиқ тумани ХТБга қарашли 70-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2008 йил 25 июнда Унирбаев Жумақул Шеркулович номига берилган 11-синфни тугатганлиги тўғрисидаги O`R-SH № 0919968 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "NUROTA-OSH" хусусий фирмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "NUROTA-OSH" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Сирғали тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SHOKIRJON XOJI-JAVOHIR BARAKA" хусусий корхонаси устав фонди 74 400 000 сўмдан 400 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Миробод туманида рўйхатга олинган (СТИР 300018363) "KRISTAL-KONTINENT" МЧЖнинг 11.11.2010 йил 002060-03-сонли реестр рақам билан рўйхатга олинган Уставининг асл нусхаси ҳамда 15.12.2010 йилда рўйхатга олинган жамият уставига ва Таъсис шартномасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг асл нусхалари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 12658. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12.05